

Феруза Равшанова

“Елғизгинам”

**«Санъат журнали» нашриёти
Тошкент – 2007**

84(55)6

Феруза Равшанованинг ушбу тўпламидан асосан севги, висол ва ҳижорон мавзудаги ҳароратли шеърий машқлари ўрин олди. Улар бадиий жиҳатидан қатъи назар самимияти билан кўнглингизга ошно тутинади деб умид қиласиз.

Муҳаррир: Умид Раҳим

Мусахих: Комил Раҳимов


Техник муҳаррир: Мадина Абидова

10 34476
091

Босишга 2007 йил 26 июнда ружсат этилди.
Босмахонага 2007 йил 24 июнда топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$
Босма табоги 1,75. Адади 500 нусха.
Баҳоси келишилган нархда. 54-сонли буюргма.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, З.Қобулова кӯчаси, 19-үй



© «Санъат журнали» нашриёти,
2007 йил.

Ёлғизгинам

Тушингизда мени сира күрмабсизму
Ёки күриб назарга илмайсизму,
Фаму ғурбат соchlаримга сочар қирав
Сочимдаги қировларим сезмайсизму?
Холим сұраб бирон бора келмайсизму?
Йүллингизда түқилмоқда нигоҳларим
Қошимдаги буровларим сезмайсизму?
Йиллар чизиқ тортиб ўтар юзларимта
Менинг билан баҳт бояларин кезмайсизму?
Гуллар сочинг қучоқ - қучоқ изларимта
Күзимдаги сўровларим сезмайсизму?
Жоним ҳалак боянгизда унайин деб
Ёлғизликдан ҳали ҳамон безмайсизму?
Музлаб ётар бағрингизда меҳр панд еб
Қор эритган қаловларим сезмайсизму?
Ишқимизга ўқилмоқда аччиқ ҳукм
Айрилиқдир шу ҳукмдан қуймайсизму?
Борин ташлаб ҳатто сизни кетаяпман
Жаҳл отим асовларин сезмайсизму?
Жар қошига келиб қопман севиб-севиб
Садоқат ул сўқмоқдадир күрмайсизму?
Тунларимни ўтказсамам сиз деб ёлғиз
Ёлғизгинам,
ночорингиз йўқлаб сира келмайсизму?
Тушларимга кириб-кириб гоҳи-гоҳи
Тунги ширин оромимни бузмайсизму?
Баҳорларда бўлтунимча паймол, ҳазон
Хонангизни безагани узмайсизму?

Истак

Мен соч бўлсам силармидингиз
Дудоқ бўлсам артасизми ёш
Севишимни сезармидингиз
Ёки қурғур кўнгилми бебош.
Дарё бўлсам бағримдан оқиб
Тоғу-тошлар кезармидингиз
Гар гул бўлсам дасталаб териб
Қучогингиз безармидингиз?
Кўзим юмиб бўлиб орзуманд
Қайданам ҳис этай дил зорингизни
Танҳо бўлсам дейман бўлмаса монанд?

Кел

Келгин баҳор билан юзларингда нур
Оёғинг остида ястансин ялпиз
Бўйпингни қучсин марвариду дур
Қучогин тўлдирсин бегул наргиз
Эслагин оламнинг кенгликларини
Ва мени қаршиングда турганим кулиб
Сен ҳам кул, шодлигинг менга қўчсину
Яшайнин тоабад баҳтдан суюниб?
Куйлагин ишқни, муҳаббатни ҳам
Ғамлар кетсин сендан йироқقا
Кўнгилда топсин шубҳалар барҳам
Юрмагин ўзингни қийнаб фироқда.
Йиғлагин кўзингдан оқсан ёшингда
Губорларишг кетсин қўяларга учиб
Отангни, онангни кўтар бошингда
Сўнгра баҳт осмонин яшагин кучиб.

Күмсаш

Күшилиб қишиң қорига
Осилиб ишкөн дорига
Дилни қүймай ҳолига
Яна сени эслайман.
Келганида баҳорлар,
Тұлғанида анҳорлар,
Сокин оқшом наҳорлар,
Яна сени эслайман.
Бұлса байрам базм, түй
Гуллар таратса хушбүй,
Суриб шириң хаёл ўй,
Яна сени эслайман.
Күрінмай қолса қуәш
Томоққа тиқилса ош,
Күзларимда тұла ёш
Йиғлаб сени эслайман.
Ранги пушти қызыл оқ,
Гулга тұлсада қучоқ,
Дүстлар бұлса ҳам бироқ,
Яна сени эслайман.
Харир рүмөл бошларда,
Кириб саксон ёшларда,
Ёндирар қараашларда
Яна сени эслайман.
Эслайман, излаб изинг,
Бүйин чүзганды қызинг,
Сүнаёттан юлдузинг,
Яна сени эслайман.
Күргим келса тобора
Топилмаса ҳеч чора,
Ижозат бер, минг бора
Фақат сени эслайман.

Сен бор

Майли келсин дунёи олам
Кузларимда түкилмайди нам
Ишонаман яшайман бегам
Хаётимда сен борсан.
Менга ҳижрон писандымас
Тұнлар сенам бедорсан
Күзларимда порлар қүёш
Хаётимда сен борсан.

Мен яна

Деразам очаман излаб соф ҳаво,
Тақдирдан бўлсайди зарра баҳт раво,
Кўнглимда куйларим қолган бенаво,
Мен яна ишқингда ёнмоқ истайман.

Очилимай хазонга айланган гулман,
Гулини тополмай сайрар булбулман,
Ўлик ҳисларимга асириман, қулман,
Мен яна ишқингда ёнмоқ истайман.

Умидим сўняпти боргани сайин,
Силасада сочим шамоллар майин,
Кунларим ўтмокда ахир бетайин,
Мен яна ишқингда ёнмоқ истайман.

Сен үйүн

Дүстим дүст бўлмайди, ёрим бўлди ёт,
Фурурим ер бўлди, орим этди дол,
Кимдир ғамимни сб ётса ҳам фарёд,
Мен фақат сен учун яшайман.

Силатиб қўйиб шамолга сочим,
Дунёни қучаман етса қулочим,
Хотиралар қолди бўлиб овунчим,
Мен фақат сен учун яшайман.

Қоядан оламан мағрур яшашни,
Ўрганиб оламан ғамдан курашни,
Унитиб қўйсамда холинг сўрашни,
Мен фақат сен учун яшайман.

Менда қудурат йўқ қилмайман гина,
Умид-орзуларим кўқдан сўрайман,
Тақдирга тан бериб ёлғиз жимгина,
Мен фақат сен учун яшайман.

Майли бўлма умрим йўлини чирогим,
Майли бўлма баҳт уйим қўнғирогим,
Бўлиб қолгин энг суюкли ўртогим,
Мен фақат сен учун яшайман.

Изинда

Сеп томонга бошлар бўлса
Фурбат дилни ғашлар бўлса
Кетадурман изингдан ҳам

Айрилиқда қолдим мана севиб туриб
Сўқир бўлдим кўзларингни кўриб-кўриб
Кўксим уриб турса ҳамки юрак уриб
Кетадурман кўзингдан ҳам

Майли бўлсин асалу бол
Интизорлик бўлсин увол
Сен яшагин ҳур bemalol
Кетадурман сўзингдан ҳам

Тоғ бағрига тош ярашгай,
Ишқ бағрига бош ярашгай,
Энди менга ким қарашгай,
Кетадурман ўзимдан ҳам.

Синов

Сочларимга оқлар оралаб,
Йиллар ўтар дардим қоралаб,
Софинг дилим тирнаб, яралаб,
Кунлар садоқатим синар бўлдилар
Билмай қолдим дил экан ёлғиз
Дунё бахтсиз қолмасу бизсиз
Севмасамда ўзгани харгиз
Кунлар садоқатим синар бўлдилар
Юлдузи тўкилиб қорайди осмон
Сиз менсиз мен сизсиз эмасдур осон
Зулматга чўлганиб кетмоқда жаҳон
Тунлар садоқатим синар бўлдилар.

Ишк

Садоқат тарайди сочин шошилмай
Остонада туарар ғуур шайланиб.
Ич-этини ейди жойин тополмай
Шубҳа, гумон гир-гир айланиб.

Қорая бошлади гумоннинг юзи
Вафо дўст тутинди ошиқ дилларга
Кетсин хиёнатнинг ўтмади сўзи
Ишқ изхори чиқди мана тилларга

Юраклар тез ура бошлади аста
Белларни қучча бошлади гуллар
Йўлларда ёлғиз қолди гулдаста
Мана ўша баҳт ва узун йўллар

Отоҳ бўл

Ортингда зор йиглаб қолар болаларинг,
Кўзинг очиб кўролмайсан лолаларинг,
Кимса йўқдир эшигтани нолаларинг,
Огоҳ бўлгин охиратинг, охирингдан.

Кимда қолди қанча қарзинг узолмадинг,
Гунохинг кўп жапнат бояни кезолмадинг,
Дунё қолган, ўлимни сен енголмадинг,
Огоҳ бўлгин охиратинг охирингдан.

Элга хизмат олий химмат бағрикентсан,
Шунда ҳам бил давраларда бирдай тенгсан.
Қол дунёда гар ўлимни енга билсанг,
Огоҳ бўлгин охиратинг, охирингдан.

Устун бўлиб қолмаганку пайғамбарлар.
Дунёни деб нечун чекдини бунча ғамлар,

Ўткинчидир бу орзулар, қувноқ дамлар
Огоҳ бўлгин охиратинг, охирингдан.

Тавба дея айлангами тилинг бир бор,
Саждага бош эгдингмикан такрор-такрор,
Талвасадан қутуолмай инсонлар хор,
Огоҳ бўлгин охиратинг охирингдан.

Қулоқ тутгин сенга сўзим сўйлай инсон,
Ўлим келмас дунёда йўқ бирор макон,
Ҳушёр бўлу, унга тайёр тургин ҳар он,
Огоҳ бўлиб охиратиг, охирингдан.

Сиёсиз

Ўзга ёр ёнида экансиз бироқ
Ҳоли не кечди деб сира ўйламанг
Софингдан қалбингиз қийнаса фироқ
Япроққа муҳаббат дардин сўйламанг.
Ўйламанг ўзизга у ёлғиз дея
Ҳижрон ҳам мен билан бирга ёнма-ён
Куйиб яшаяпмиз битта вужудда
Куйишимиз сизни этмасин ҳайрон
Шоирга қисматдур армон азалдан
Билингки ҳар кимса экканин ўтар
Фойда текса ҳамки ўшал гўзалдан
Кўз ўнгингизда менинг суратим турар
Қаршингизда ҳамон кулиб тураман .
Ошиқиб севганим кенг қучогига
Сиз нигоҳингиз қадаб турасиз
Ўт куйиб дард тўла қалб ўчогига.
Қўлларим тутиб туриб чамамда
Бағрингизга босишига ботинолмайсиз
Кўз очар булоқлар маюс танамда
Сиз ҳамон ҳайронсиз, уйғонолмайсиз.
Кўргим келаверар бир зум бўлса ҳам
Софинчнинг югурик юриб изидан

Хаёл огушила сузіб боряпман
Күзингиздек мовий ишқ деңгизида.
Алдайман ўзимни ёнимдасиз сиз
Хаёл етаклар құлымдан тутиб
Қалбингиз қасриға кириб боряпман
У ерда сиз мени турибсиз кутиб.
Осудалик қўйнида ой ҳам ёлғиздир
У менга мен унга тикиламан жим
Мұхабbat қалб ичра қолувчи издир
Шу издан баҳт излаб юраркан ҳар ким.

Кутдим

Тўймай қолдим айтган сўзларингизга
Ёниб боқиб порлоқ кўзларингизга
Оёқ қўёлмайин изларингизга
Қайтишингиз интизор кутдим.
Софингларга тўлганда олам
Юзим ювиб қўздаги жолам
Етарли деб бу мунгли нолам
Мактуб битишиңгиз интизор кутдим.
Тўхтармикан бу оқар ёшим,
Қай дил макон айлар хонишим,
Ишқим айлаб ёстиқ-болишим,
Ётишиңгиз, интизор кутдим.
Шубҳа яшар кўнгилда азал
Қилмай мейдан бехуда ҳазар
Софинтириб соғиниб назар
Солишиңгиз, интизор кутдим.
Қийноқларда билиб қадрима
Кувончларда бўлиб хотима
Мункиб кўнгил менинг ҳолима
Тушунишиңгиз, интизор кутдим.
Зора, таш бериб тақдирга
Етмоқ бўлиб севгига сирга
Севишиб помимни тилга
Олишиңгиз интизор кутдим.

Имкон

Илк ишқининг баҳори гуллаган оқшом
Тентирайман сени қумсаб соғиниб
Недандир вужудим титрар, бир ма
Билмай борар күнглинг томон овуниб.
Юғурған йилларнинг югурап оти
Ёлвориб самога тикаман кўзим
Ёраб узилмасин бахтим қаноти
Есргин бутун иймон, ғамга бер тўзим
Илк бора кўзингта тушганда кўзим
Фалаён бошланган эди кўнглимда
Сен томон борадим билмам кечадир
Тутиб туролмасдим ўзимни ўзим
Сўзлардинг энтикиб кўзимга боқиб
Юзларингда ёғилиб инжу табассум
Юрсамда қизғониб, сеҳрингда оқиб
Нигоҳингдан ҳамон юраман қочиб
Кўнгил ичра учар эдик ёшлиқ вақтида
Сигмас гўё изҳоримиз кўзлар қатида
Куттагил яна пинҳон ишқининг боғида
Агар қайтса йиллар, умр ортига
Гуноҳлар юкини юклаб елкамга
Фақат сен ғам чекма менинг ягонам
Баҳт деб ўйлаганинг сароб чиққан кун
Таниш бўлиб қолурсан менга бсгонам
Сенга муҳаббатим тортиғ этмасман
У биз билган сохта обрў-шон эмас
Эциди мен ўзимни ортиғ севмасман
Сени севмоққа такрор имкон берилмас.

Сен қайда

Умрин бериб ёрини кутгувчилар бор
Ишқ деб захар закұмлар ютувчилар бор
Севиб менинг ҳолим бўлдику абор
Сен қайда-ю, мен қайда эркам
Дараҳтнинг остида турар пояси
Пойига эгилар тогнинг қояси
Ҳижроннинг бўлармикан ниҳояси
Сен қайда-ю, мен қайда эркам
Қаҳратон кетидан саратон келди
Вафолар тугади жафолар келди
Менинг кумуш бўлиб яшагим келди
Сен қайда-ю мен қайда эркам
Боғда гулларнинг булбули бўлдим
Сенинг гул умрингни гулгуни бўлдим.
Кузнинг хазонрези сўлгуни бўлдим.
Сен қайдо-ю мен қайда эркам

Баҳорларда бериб ўтдик боримизни
Наҳорларда айтиб ўтдик зоримизни
Ким тушунди ахир бизнинг оримизни
Сен қайда-ю мен қайда эркам.
Муҳаббатда кўришмади бизларни мос,
Дард юкини юклаб чиқдим ундан холос,
Нега куйдинг айтгии менга бунча ихлос,
Сен қайда-ю мен қайда эркам.
Ҳаёллар ақлимни олган ўша кун,
Ёнди қалб оташингда чиқармай тутун,
Ўз домига тортар бу қоронғу тун,
Сен қайда-ю мен қайда эркам.
Сени севмай яшамоқлик эмас осон,
Ҳаёлларим ғамларингни этар яксон,
Тоҳир Зухро каби ишқда бўлдик сарсон,
Сен қайда-ю мен қайда эркам.
Ҳижронларни жабрларни этгум сароб,

Фам уйини қувонч билан этгум хароб,
Гуноҳингга гуноҳ бирла қилгум жавоб,
Сен қайда-ю мен қайда эркам.
Шеърларимга бўлар эдинг бисёр баёт,
Кулгуларинг багишларди менга қанот,
Сенинг бирла гўзал эди афсус ҳаёт,
Сен қайда-ю мен қайда эркам...

* * *

Кўксимни кемирар оқсоқ бир кийноқ
Фамда ўйнаб яшадик тақдир ўйнига
Ўзингда ўзимни кўрадим бироқ
Мен ўзимни кўмдим фамлинг кўйнига,
Кечир энди ўлдим, ўлдирди ғаминг.
Вафолар тилайман жафоларинг чун,
Менда қолмадими бошқа аламинг.
Иста такрор ўлай муҳаббатинг чун.
Мен сенга ёмонлик тиламайман йўқ,
Бўлаверсин тилагинг ўзингга йўлдош,
Сенсиз ёлғиз қолган куним ҳам билки,
Мени эркалайди кўкдаги қуёш.

* * *

Кипригимда қалқиб турган ёшим дейму,
Мен вужудман сени танда бошим дейму,
Кечалари ухломайин тўлғонаман,
Багрим бериб юз босар болишим дейму.
Дардим қўшиб куйлашувчи иола бўлдинг,
Мен гўдакман сен ҳам мендек бола бўлдинг,
Кўксим тоғдур тоғда унган лола бўлдинг,
Фамда қолдим сени фамдан кетказиб.
Парвонаман шамда ёниб куяр бўлдим,
Куйиб-ёниб фақат сени суяр бўлдим,
Мен ишқимни кўксим аро қўмар бўлдим,

Сенің өзгән шеърларымни битқазиб.
Тақдир дея бой бердик биз боримизни,
Хаёлларда алладақ зоримизни,
Кимга ҳам айттардик номус-оримизни,
Фурбатларни бошимиздан ўтқазиб.
Жафоларни ҳадя этдим, ҳижронларга,
Гуноҳларим бердим ожиз ҳайронларга,
Севиб биз айланып-ку ёмонашында,
Ким ҳам берар баҳтни бизга етқазиб.
Битолмадим баҳтлиман деб бирон бир байт,
Үзгаларга алишдимми ўзингни айт,
Имкон қилиб мен томонға ортингта қайт,
Гуноҳкорман сени баҳтта ютқазиб.
Мен гуноҳман бўйларингга осилган,
Кўксим ўйиқ суратларинг босилган,
Ишқим арzon ўзим қўшиб сотилган,
Тақдир ўйин ўйларимга етолмайман.
Мени сотдинг, сени сотиб кетолмайман
Не ҳам этай умрим завол этиб кетдинг,
Ишқим паймол ўзим савол этиб кетдинг,
Севган ёринг ёлғиз нахот баҳтта етдинг,
Сендан кечиб дилни абор этолмайман.
Мени кечир мен кўнглингдан кетолмайман
Тилагимни қўшиб айтуб алёр-алёр
Юрагимдан жўшиб айтди тилак тайёр
Садоқатдан иймон битсин сени ҳам ёр
Ўзга помин тилга сира ололмайман
Севдим, лекин бу севгидан тоналмайман

* * *

Тикилиб турасан маюс билмайман
Кўзларинг ортида недир яширин
Қалбингдан қалбимга шафқат тилайман
Гарчи азобларинг бўлса ҳам ширин

Нега деб сўрама ўзим билмайман
Вужудимни чулғаб олади бир сас
Гулларга безанган ҳаёл сўнгида
Розиман шу азоб бўлса бир ҳавас

Қай юргларни кезардурсан сарсон-сарсон
Юрагимда қат-қат қилиб армонларни
Мен билмайман қайда ётар жоним ҳамон
Муҳаббатга бино қилиб арқонларни

Ўқтин ўқтина пайдо бўлиб ҳаёлларда
Қалбим қийнаб азоблайсан минг алфозда
Гар кўрмасам ҳазон бўлгай қалб қувончим
Тушларимга киришларинг ахир озда

Ишонি

Ёлғизликдир энди севимли ёрим
Қаҳратон қишиларда ялқаб юлқаниб
Ҳазонлар ичида унган майсаман
Кўмсайман баҳорни жуда алқаниб
Майли йиллар тўрлар тортсин юзимга
Хира тортсин кўзларим майли,
Ишонгим келади сизга ўзимга
Сизга бўлган ишонч ўлмайди.
Армон йиртар сабримни балким
Йўқлов тигар қабримни балким
Тушунарсиз дардимни балким
Энди менда соғинч ўлмайди
Майли тоғлар отаверсин тош
Майли беркинсин кўклида куёш
Майли тугаса менда бардош
Сизни десам севинч ўлмайди
Ҳаёт ўзи ечишмас жумбоқ
Ахтармайман унинг ечимини
Кунларимдан қаро туним оқ

Ҳаёл энди менинг бор кучим
Истамайман сохта илтифот
Далдангизга эмасман мұхтож
Кувончингиз күрганда бот-бот
Меҳриңгизга сездим эхтиёж

Ҳәзима сабол

Шону шавкат изламагандим
Сендан жафо күзламагандим
Үзға қошида бүзламагандим
Нега қолдим бунча ноилож?
Дараҳт ҳазон этиб баргларин түкди
Гарчи қувонч ғамларни суқди
Менинг күнглим тундайин чўкли
Нега қолдим бунча ноилож?
Берилмади бир бора имкон
Тунга ўрнин бўшатмоқда кун
Топармикан бу ғамлар якун
Нега қолдим бунча ноилож
Иймонимга кетдимикан дарз
Худойимга кўп қилдимми арз
Бажарилмай қолдимикан фарз
Нега қолдим бунча ноилож?
Тентирайди умидлар сарсон
Энди фақат бир сенга осон
Қувончларим бўлибди яксон
Нега қолдим бунча ноилож?
Узат менга тутай сенга ғул
Бағрингни оч, уни этай йўл
Истай, сўнгги дам ёним сен бўл
Нега қолдим бунча ноилож?
Тилим лолдир айттолмади сўз
Йўлларингта ночор тикдим кўз
Кўмсаб, соғиниб талпиниб шу кез
Нега қолдим бунча ноилож?

Ёниб ўтдим бағрингда ҳаёт
Бергин учай бир парча қанот
Битганимдир шу мунгли баёт
Нега қолдим бунча ноилож?
Савоб янглиғ у бүлди увол
Умидларим топмади камол
Қийнар мени шу битта савол
Нега қолдим бунча ноилож?
Чұзсам ҳамки етмас құлларим
Айромикан сендан йұлларим
Етолмади хатто үйларим
Нега қолдим бунча ноилож?
Бұлбул бүлдім айладим хониш
Күшда бордир, менда йүқ тиниши
Қисматмикан менга соғиниши
Нега қолдим бунча ноилож?
Хазон бүлди орзуласа хазон,
Эзіб аллалайди тонғда аzon
Ишқим менинг эканми арzon
Нега қолдим бунча ноилож?
Қарши чиқди само-ю сабо
Қарши чиқди дилимда наво
Қарши чиқди ўлиму жазо
Нега қолдим бунча ноилож
Тақдир битик йўлимиз бошқа
Қўл чўздиммикан bemavril ошта
Уравериб бошимни тошга
Нега қолдим бунча ноилож?
Эгили ғамларни кўтаролмай бош
Бекинди булутлар ортига қуёш
Азобларга беролмай бардош
Нега қолдим бунча ноилож?
Тақдирми бу қисматми билмай
Сояга эгилиб юрдим телбадай
Үзимга хеч келолмай келмай
Нега қолдим бунча ноилож?

Қадр

Керак эмас гуллар экма қабримга,
Истамайман гуллар қўйма қабримга,
Гар ачинсанг увол бўлган қадримга,
Бир бор эслаб мен дунёдан ўтган чоғим.

Дардинг ютиб азобланма куй куявер,
Бахтинг кўрай даврон суриб юр юравер,
Кўргиликлар тақдир эрур бил билавер,
Бир бор эслаб мен дунёдан ўтган чоғим.

Кўнгил ичра қилиб юрсанг ибодат,
Дилгирликдан хоҳиши йўқдир бу муддат,
Тилаганинг Аллоҳ қўлсин ижобат,
Бир бор эслаб мен дунёдан ўтган чоғим.

Майли дегин эди менга бегона,
Ишқни дея бўлиб ўтди девона,
Ўтингчим бор сендан сўнти ягона,
Бир бор эслаб дунёдан ўтган чоғим.

Монг

Тонг ҳам отди эриди зулмат
Саболари эркалар сочим
Ёдинг ила ёниб бир муддат
Бахтни қучай очиб қучогим.
Юр кетайли орзу шаҳрига
Бўлсин бизга гаму фурбат ёт
Излаганим ипсон меҳрига
Кўнгил аро етибман ҳайҳот.

Паскүн

Кетдим дедим лекин айт жоним
Кетиб сендан қайга кеттгайман
Қолиб сенсиз күнгил күчаси узра
Борар йўлим манзилим аниқ
Кетар бўлсан сенга етгайман.
Суратим бор кўзларинг юмиқ
Кунлар аро суйиб ўтгайман
Тортиб ол майли берган борингни
Энди ғамни тез унугтайман.
Кўзларингдан қайноқ меҳрингдан
Кунлар аро тўйиб ўтгайман
Ўтар бўлсанг узоқ манзилдан
Дариг тутсин дийдор кеттгайман
Суратингни кўксим тўрида
Кунлар аро ўйиб ўтгайман.
Бори имкон тақдир қўлида,
Ожизаман ожиз кутгайман.
Етиб бир кун дийдоринга ҳам
Кунлар аро тўйиб ўтгайман.

Сизни

Ошкор бўлсин етар энди бас,
Бу кўксимда бор бўлган ҳавас,
Тутар бўлсада шу дамда нафас,
Билинг ёлғиз сизни севаман.
Ишқ нима сизни юрган йўлингиз
Рашқ нима кўлларим туттан қўлингиз
Майли қайда бўл омон бўлингиз,
Билинг ёлғиз сизни севаман.

Умид

Мұҳаббат мен сендан кетмоқчи әдім,
 Кетмоқчи ва жондан кечмоқчи әдім,
 Кеча умид қўлимдан туғиб турарди,
 Бугун сенинг қўйнингда жон бериб ўлдим.

Мұҳаббат обрўмас шону шавкатмас
 У қўксимга санчилган навниҳол гулим
 Сену менга берган тақдир шавкатмас
 Мұҳаббат висолга берилган ўлим.

Бир умр ўтингчим айблабон азиз
 Сен сайёд бўлгандинг ёшлиқ чогимга
 Майлига розиман қиласман афсус
 Дерман яна келгин овга боғимга.

Ҳам

Бу не кун ҳаёning юzlари қора
 Бу не тонг ғуурнинг бошлари эгик
 Умидим бор висолдан келар
 Қани шунда қаршининг тура олсан тик
 Бу не қабохатдир ишқнинг юзи қон
 Видолай бошлади орзулар аста
 Сенинг қалбининг ичра ожизгина ишқ
 Чуқур қабр қазди менга бир пастда
 Дилемни эзгилар ўша маюс кўз
 Соғинчнинг азоби қўймайди тушун
 Мен айтсан әшитсанг қани бирор сўз
 Нафас оляялман ёлғиз сен учун.

Дард

Сен турсант ўзгани соchlарин силаб,
Мен турсам юзимни ёшларга белаб,
Ким яшар, айт айрилиқда бахт тилаб,
Күнгил узра ожиз йиглайди алам.
Қачон битар бу дунёning кемтиги,
Қачон ютар шум ажалнинг ютуғи,
Айрилиқми энди тақдир битиги,
Күнгил ичра ожиз йиглайди алам.
Менга шунча кўрганинг азобмираво,
Дардинг айт топилса зора бир даъво,
Күнгил ичра ожиз йиглайди алам.
Боғларда райҳонлар даста бўлган кез,
Кўксимда бошланган фасли хазон рез,
Буриб кетди мендан дўстларим ҳам юз,
Күнгил ичра ичор йиглайди алам.
Кўлим боғлиқ қўлларингдан тутолмайман,
Ишқ азобдир бу азобни ютолмайман,
Кечир мени юрагингдан кетолмайман,
Кунгил узра ожиз йиглайди алам.

Юборилмаган мактуб

Ҳижрон сизни қийнасада тақдир дея
Нажот истаб гўзал қизга уйланасиз
Кунлар келай эркалолмай севгим дея
Зор-зор йиглаб унуголмай қийналасиз.
Чимилдиқда ёт ёр сизга боққанида
Кўксингизда соғинч эшик қоқмоқда
Аламларда кўзлардан ёш оққанида
Севасизми деб сўраса ёт ёр сизни
Эслайсизми гўшангада бир бор бизни
Унутмангиз бахтли дамлар севгимизни
Йиллар ўтар ёт ёрлар ҳам қолар ёқиб
Кўнгилларни эзғиласа ғамлар оқиб

Фарзаңддингиз күксішгизга махкам босиб
Үшанды ҳам унуголмай қийналасиз
Фурсат ўтар күнгіл яна тортаверар
Тананғизда севги дарди ортаверар
Келолмайсиз ҳижрон дилга ботаверар
Азобларда унуголмай қийналасиз.
Ёлғиз қолиб хаёл билан сирлашганда
Танқоликнинг синовида беллашганда
Кунлар келиб пінхон қолиб учрашганда
Үшанды ҳам күришолмай қийналасиз.

Kүй

Нечун түшүнмадик бир биримизни
Сени алладимикан ҳайрат
Бўлиша билмадик ҳеч сиримизни
Ё мени мафтун этдимикан гайрат
Мўжиза кутиб яшадикми ё
Билмай борар эдик орзулар сароб
Шунча иззатталаб эканми дунё
Еттанимиз бўлди изтироб.
Ишқ куйингни чал ўйнасин ўзга
Синама мени куй тутади бардош
Мен ҳам бир севгандим шу нурсиз кўзга
Яна жабр қилма қолмаган кўз ёш

Ҳаёл

Ҳаёлларим менинг бетиним
Борар бўлди сенинг томонга
Лаззатларга тўлганда тушим
Кўз тегмасин бизнинг бу онга
Ҳар тарафда ёниқ нигоҳлар
Суқ тегмасин деб кўзингизга
Кўзлар, сўзлар не -не ҳур моҳлар
Ўҳшали йўқ деб ўзингизга.

Тошдек қотган суратингта эмасман мұхтож
 Юрагингнинг катларига сингим келди
 Мехрингта мен абад сезгум күп әхтиёж
 Бошим қўйиб кўксинг узра тингим келди
 Кечир менинг гуноҳларим, кечир ёрим
 Дунё экан ҳатоларинг тўлиб тошди
 Қадр билмай яшайвергин бугун ўшим
 Йигирмага кирмай туриб қирқдан ошиди
 Ўтиб борар кўз ўнгимда неча йиллар
 Ҳатто бунда дўст топиш ҳам эрур душвор
 Жонимни опичиб юраман йўллар
 Фақат шеърим сенга ҳадя улуғвор.

Асл

Юриб фарзандларинг кулиб, эркалаб
 Ўзинг бирла баҳтни келтир етаклаб
 Азал шундай инсон сенек меҳралаб
 Дунёнинг ғамларин унугтин аёл
 Юкинг кўтартирма эркак зотига
 Минмагин эрта -кеч жаҳл отига
 Кувончнинг айланиб қўши қанотига
 Дунёнинг ғамларин унугтин аёл
 Сенинг кўзларингда дунё, келажак
 Сен бор алп эрлар қўкрак керажак
 Ҳали баҳтли кунлар келажак
 Дунёнинг ғамларин унугтин аёл
 Ёйбату ҳасадга бера олгин дош
 Ўзгалар дардига бўлиб елкадош
 Дунёнинг ғамларин унугтин аёл
 Унугилиб кетар ғам аидуҳ бари
 Юргин фийбат ҳасаддан нари
 Кўнглинг кўтарилар кулганинг сари
 Дунёнинг ғамларин унугтин аёл

Бутун билма дунё ҳам бир кам
Азалдан шу очиқ күзи нам
Кўнглингга қулоқ сол қолмагайдир ғам
Дунёнинг ғамларин унугтигин аёл

Сен ва мен

Сен истайсан баҳор бўлса бизники
Гуллар териб боғларида қувнасак
Мен истайман наҳор бўлса бизники
Кушлар чуғурласа унда ўйнасак
Ҳалал бермас бўлса ҳеч кимса
Тунда сирдош бўлсак ойу юлдузча
Нигоҳлар ўзига чорлаб тинмаса
Қўшилишиб кетсак қайноқ денгизга
Бугуним ўгару билмайман бироқ
Не кечмиш билан бошланар эртам
Кел десам йўл бермас висолга фироқ
Кўксимда жон бўлиб яшагин эркам
Мен ҳақимда сира ғам ема
Тарқ этурман мен сени бир кун
Лек соғинчим ёлғондур дема
Ишқиз қалбинг бўлолмас бутун
Ҳижронларим сенда қолдириб
Армонларинг бирла ўламан
Сен мени эсласанг у сокин кеча
Само узра ҳилол бўлиб тўламан

Аиаф

Тогларнинг бошида айланса шамол
Унинг бағри узра майса унгайдир
Магарким муҳаббат уйғонса дилда
Юзга чирой лабга кулгу ингайдир
Вужудла жўшади ҳислар ҳаяжон
Қадаминг кўйгани тополмайсан жой

Елгизлик бұлади ўртоқ жонажон
Дүнёда баҳтли йўқ сендей ҳойнахой
Ошиқма ўткинчи туйгуларни деб
Умринг йўли узра ҳали хаслар кўп
Жон сингилжон юрмагин панд еб
Мана азиз ватанинг онанг юзиң ўп
Илҳақ бўлма висол излаб оввора
Айтай менинг маслаҳатим бир бор ол
Гар топилмай қолса ҳам бирор чора
Чорасиз дамларингда қалбга қулоқ сол.

Савол

Бу не кун ором йўқ, йўқдир ҳаловат
Бу не кун осмонингда порламас юлдуз
Сўниб бораяпти кўнгилда ҳислар
Гўё фалакни булут қоплаган сенсиз
Шамоллар тарай бошлайди сочим
Ёурурим эгар соғинчингиз изсиз
Чўзсан само узра етгай қулочим
Лек заминга сифмай қоляпман сенсиз
Кўрқаман ўзганинг туриб қошида
Тўкилиб тугасам гар қолсан ҳиссиз
Ҳали қонмай туриб қувонч ёшига
Фамнинг кучогида тўлғонсан сенсиз
Чидайман узоқдир висол маизили
Обод бўлсин қандай ишқ уйи бизсиз
Қачон тутар жоним тақдир ҳазили
Сиз менсиз мен қандоқ яшайин сизсиз
Ўқийман кўзиңиздан дилингиздагини
Айтаолмай қолган "сиз дилбаримсиз"
Ўзимдан кечиб ўзгага берсам
Кўнгил йигламасми айтингчи сизсиз

Излаш

Ёрдан күкка чиқдим учиб, сени излаб
Юртлар кездим тупроқ кезиб, сени излаб
Интилганим оппоқ тонглар оқармади
Естигимпің ётдим кучиб, сени излаб
Мен дунёдан кеттум ахир, сени излаб
Борин ташлаб кеттум ахир, сени излаб
Майсаларин ўпшіб шабнам отганда тонг
Орзуимга етгум охир сени излаб
Ёлғиз қолиб орзулардан кечганим йүқ
Түйгуларим эрмак қилиб учтаним йүқ
Йүлга чиқдим соғинганда сени излаб
Тиниқ дея самоларга тинганим йүқ
Сүқмоқ йүллар асов тойлар минганим йүқ
Ёлғизмасман ғам биланман тинганим йүқ
Кураш учун бел боғладим сени излаб
Гул бўлдиму гулзорингда гўлганим йүқ
Сайраганда булбулларинг тинганим йүқ
Баҳор кетиб кузлар келди сўлганим йүқ
Чаманингдан кетар бўлдим сени излаб
Қўзларимда ёш сени излаб
Томогимда тош сени излаб
Бахтсиз қаламқош сени излаб
Ёдим озор сени излаб
Дунё бозор сени излаб
Дилим безор сени излаб
Соғинганда соғинчингда ўтар бўлдим
Кўзларингдан тўқмай туриб нам
Алишмайин ўзгага ҳечам
Яшагин деб доимо бегам
Хаёлингдан кетар бўлдим сени излаб.

Мұндағыжа

Елгизгинам	3
Истак	4
Кел	4
Күмсаш	5
Сен бор	6
Мен яна	6
Сен учун	7
Изингда	8
Синов	8
Ишқ	9
Огох бүл	9
Сизсиз	10
Кутдим	11
Имкон	12
Сен қайда	13
«Күксимни кемирап...»	14
«Кипригимда қалқиб турған...»	14
«Тикилиб турасан...»	15
Ишонч	16
Үзимга савол	17
Қадр	19
Тонг	19
Таскин	20
Сизни	20
Умид	21
Фам	21
Юборилмаган мактуб	22
Дард	22
Күй	23
Хаёл	23
Уэр	24
Аёл	24
Сен ва мен	25
Агар	25
Савол	26
Излаш	27